







Оржоникиде райондаги «Правда» колхозининг миришор деҳқонлари юбилей йили хирмонининг баракли бўлиши учун эрта кулдан бери тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ўз вақтида экилиб, яхши парвариш қилинганлиги туфайли ҳосил ҳам муваффақиятли эиёт бўлмоқда.

Хўжаликда 540 гектар ўрнига 612 гектар майдонга сабзавот экинлари ўстирилган, бунинг 83 гектари қайта экилган экинлардир. Колхоз деҳқонлари бу йил давлатга 8800 тонна сабзавот маҳсулотлари, 920 тонна картошка, 300 тонна пилла, 370 тоннага

# 8800 ТОННА УЧУН

лини мева, узум сотишга аҳд қилганлар. Ахдга яраша қилинган меҳнат ўз натижасини кўрсатяпти. Шу кунгача аҳоли дастурхонига 1300 тоннага яқин сабзавот, 400 тоннадан ортиқ картошка етказиб берилди.

Шунинг таъкидлаш лозими, экинларнинг турлари бўйича давлат планини бажаришда яхши натижаларга эришилган. Жумладан бодринг, сабзи етиштиришга

алоҳида эътибор берилмоқда. Колхознинг 51 гектар майдонидagi сабзи, 71 гектар майдонидagi бодринг, 140 гектар майдонидagi помидорини гарч қишлоқ неэлар. Азамат деҳқонлар ана шу бодринг, помидор ҳосилини тезкорлик билан териб, давлатга топширяпти. Ўтган қисқа давр ичда колхоз 160 тонна бодринг етказиб берди.

Ҳосилининг бунчалик мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшган Муҳаммад Зияев, Маъмур Олжамон, Нуриддин Валиев бошлич бригадга аъзолари айниқса фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Муҳаммад Зияев бошлик бригадга аъзолари кунига 500 қилограмдан бодринг теришга эришмоқдалар.

Шу кунларда колхозда иккинчи экинларга ишлов бериш, қарам экин ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Юбилей йили топшириларини муваффақият билан бажариш учун курашган байтқўронликлар бор имкониятларини мўл-қўл ҳосил қўришга сафарбар этмоқдалар.

Ф. ИСАЕВ,  
И. РУСТАМОВ.

# САНОАТЛАШГАН ЎЛКА

Қадамжой ҳам ўзининг ташаббускор тарихишунларига эга. Улар мамлакатдаги нодир сурма комбинатининг соломасини зўр муҳаббат билан яратмоқдалар. Биз шундай кўп сурма металл эритиб қўйдики, ундан жаҳон сурма эталони ҳосил бўлди. Бизларнинг иккита металлмизга Давлат сират белгиси берилди. Корканизм — металл — жаҳонда донг таратмоқда. Бу ҳам бизнинг фахримиз — республикамиз гурӯри!

Келинг, тарихчиларимиз сақлаб келатган ҳужжатларга мурожаат қилайлик. Вақтлар ўтиши билан саргайиброқ кетган расмларда очик ҳақиқат қорайиб кетган кичик печкалар турибди. Бундан қирқ йил муқаддам ана шу ясама ўчоқларда дастабки сурма қуйилганлиги олинган эди.

Социалистик Қирғизистон — металлургиянинг тўғри ҳисобланган бизнинг комбинатимиз яқинда қирқ ёшга тўлди. Мана бу сурат ҳам шунча ёшда, ишчилар қўбининг жазирама иссиқда қовжириб кетган яккаюғона қайрағоч тағида салқинлашганларди. Суратда қоп-қорайиб турган қора доғ шаклида қўринган, сомондан ясалган қулбаларда ишчилар ҳаёт кеңиришарди. Улар уйлар ёнидаги хоналарда асбоб-ускуналар билан бирга босмачиларнинг тўсатдан қилидиган ҳужумига қарши қўроқларини ҳам сақлашарди.

Хозирги кунда металлургиянинг посёлкалари куюк дарахторлар оғушда қолган: Шафтоли, ўрик, олма, хуллас, ҳамма-хаммаси хил-хил пишипти. Уша пайдалан артулалардан аср ҳам қолмади. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорини қўлдан кендира эканман, унда Қадамжойимиз ҳақида айтилган сатрларини ҳам ўқийман. Қадамжойимизнинг биринчи ишчиси ҳисобланган қирғиз-саводсиз, авлоддан-авлодга чўпонлик қилиб келатган камбағал эди. Ҳозир қирғизлар ўз ишларининг ҳақиқий усталари бўлиб етишди, рус

ишчилари билан абадий дўстлашиб, саводхон бўлиб қолишди. Бошқа бригадалардаги каби меҳнат бригадасида ҳам турли миллат вакиллари ишлайди. Бизларни бир олинган аъзолари деб аташди. Бизлар биргаликда маҳсулот сифатини қандай қилиб яхшилаш ва металл қуйилмасининг сифатини янада яхшилаш тўғрисида ўйлашмиш. Шоду-хуррамчилигимизни баҳам қўришмиш.

Зулфигор Мамазов уй қурмоқчи бўлди, бундан кўнрақ бригаданинг аъзолари биргаликда унингга хазина қелдики. Максим Горьковни ҳаммамиз бир бўлиб пенсияга узатдик. Билим олишда бир-биримизга кўмаклашадиганмиш — ҳозир бригаданинг барча аъзолари ўрта маълумотга эга бўлди. Байрам кунлари эса ҳаммамиз бутун оила аъзоларимиз билан бирга тўп-лашиб, байрам қиламиз.

Комбинатимиз — дўстлик комбинати. Унинг пойдевори учун биринчи гиштини ҳозир рангли металлургия бўйича қўзғайиб қўйиб, Ленин мукофотини лауреати рус олим Серафим Михайлович Мельников қўйган. Россия, Украина ва бошқа қардош республикаларнинг тажрибали мастери янги асбоб-ускуналарни ўрганиб олишмишга кўмаклашди. Москва олимлари иштирокда Қадамжойи металлургия «Суксэра» янги металл ишлаб чиқаришни ўлаштирдилар. Бу металл ўзининг гўяда тозаллиги билан ажралиб туради, ҳозирча булдан металл жаҳоннинг бирорта мамлакатда ҳам ишлаб чиқарилганига йўқ.

Улкаимизнинг таъдирини қўшиқ тақдирига ўхшатиш мумкинмикин, билмайман. Лекин мен эса, қўшиқча таққослайман. Биз, қирғизлар ўзининг қадимий ашулаларимизни жаҳон савомиш. Уни асрлар оша захматхалк халқ яратган. Менимча ҳар бир қирғиз ана

Амударё райондаги «Ленинизм» колхозининг заршунослари СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллик юбилей шарафига минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 ўрнига 50 центнердан дур топшириш учун курашмоқдалар. Шу кунларда гўзага комплекс парвариш бериш қизгин олиб бориюмоқда. Бунинг натижасида мўл ҳосил етиштирилди, бўлиқ кўсақлар олинган мажбурийлини қоплашдан даран бериб турибди. Ҳузурат Абдуллаев бошлик 2-бригадга хўжаликнинг ҳосилдор бригадалариндан ҳисобланади. Бригадга аъзолари колхоз хирмонига гектаридан 50 центнердан ҳосил тўкишга аҳд қилишган. Суратда: колхоз раиси Ешимбет Матсафоев ва бригада бошлиги Ҳузурат Абдуллаевлар пахтазорда.

Р. Саидов фотоси.

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. Н. МИШИНГА  
«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕР ТЎЗУВЧИ»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

П. П. МЕХРЕНЬГИНГА  
«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Н. МАТЧОНОВ.  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Ҳ. ПУЛТОВА.

1972 йил, 1 август.  
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Н. ШАФРИНГА  
«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗАТОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Н. МАТЧОНОВ.  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Ҳ. ПУЛТОВА.

1972 йил, 1 август.  
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Н. МАТЧОНОВ.  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Ҳ. ПУЛТОВА.

1972 йил, 1 август.  
Тошкент шаҳри.

# ЭЛЛИГИНЧИ ШАҲАР

Республикамиз ҳар қандай элликнинг шаҳарининг номи пайдо бўлади. Бу сўнгги беш йилликда Қизилқум марказида қад қўтарган янги Зарафшон шаҳридир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Мурунгов олтин қонини ишга тушириш ҳақидаги қарорига мувофиқ 1965 йилда Бухоро областида Қизилқум савдо-саноат марказида қончилар посёлкаси қурилиши бошланган эди. Бу посёлка қисқа муддат ичида республикамизнинг олтин қазиб чиқариш бўйича яқин саноат марказларидан бирига айланди.

Саккизинчи беш йиллик давомида олтин ажратиб комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Ҳозирги вақтда эса иккинчи навбати қурилушда.

Олтин саралаш комплекси қурилиши билан бир вақтда Зарафшон ҳам тегишлар билан кенгаймоқда. Шаҳардаги замонавий кўп қаватли саноат корпуслари, ва маъмурий бинолар, иссиқ сув, газ, иситиш ва канализация системаси билан таъминланган қудай-уй-жойлар сакро қўлида қисқа вақт ичида қад қўтарганлиги кишини ҳайратга солади. Бу ерда қончилар, уларнинг оила аъзолари истиқомат қиладилар.

Ҳозирги вақтда Зарафшонда жуда кўп бўлимақдори бўлган марказий руда бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси, унинг қурилиш индустриясига бағалари ва темир-бетон бўюмлар заводи, руда бошқармаси каби қўлпал саноат корхоналари ишлаб турибди.

Бу ерда меҳнаткашларнинг самарали меҳнат қилиб, яхши ҳордик чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Савдо, маданий-маиший хизмат объектлари қад қўтармоқда. Колбаса ва лимонад цехлари маҳсулотни зараршонликларга маҳкул бўлмоқда.

# ЗАПОЛЯРЬЕГА ХЎЛ МЕВАЛАР

ГУЛИСТОН (ЎзТАГ муҳбири). Мирзачўлдаги «Ширин» совхозининг боғбонлари Заполярьегини индустриал марказ Норильска дастабки 100 тонна олма, олхўри, олча юбдорлар. Хўжалик хўл мева ортилган бир неча вагонини Сибирь билан «Ўзоқ Шарнинг» саноат марказларига жўнатди.

Хозирги вақтда Гулистон, Сирдарё, Боевут ва бошқа районоларнинг колхоз ва совхозлари Россия Федерациясига графика қўлда тутилгандан аввал хўл мева юбдорларини. Шу маҳсулотнинг бир қисми Мирзачўлнинг марказий қисмида барпо этилган совхозларнинг янги боғларидан жўнатилди.

# „НАЗАРБЕК“ НЕЪМАТЛАРИ

маҳсулотлари тайёрлашга кира. Картошка ери 108 гектар, ундан 1.130 тонна хирмон кўтариш кун тартибда турибди. Миришор деҳқонлари яқин илат билан 85 гектар ерда поллиз экинларини парвариш қилишляпти. Мева-чева мўл бўлди, узумдан юқори ҳосил кўтариш қўзда тутилмоқда.

Совхоз шу кунгача 250 тонна юқори сорт картошка тайёрлабди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўп. Тайёрлов ташиқлотларига 500 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берди. Шаҳарларда 2-«Назарбек» совхоз боғларида етиштирилган 150 тоннага яқин цинкор-шкар мева-ларини мамнулий-лик билан қарид қилишди. Бошқа сабзавоткор хўжаликлар ҳам шундай маҳсулотлар тайёрляпти-ку, назарбекликларнинг устулгини намага деган савол турлини мумкин. Тақ

шундай, назарбекликлар фарқ юқори сифатли маҳсулот тайёрляпти, маҳсулотини йиғитерип, тайёрлов пунктларига жўнатилган асрофатчиликка йўл қўймайди, дала-пунт усулини кенг қўлланиб, сарф-харажатни қамайтирипти. Бу эса таннархини қамайтиришда асосий омил бўляпти.

Хўжалик юксалиш йўлига чиқиб олди. Бунда ихтисослаштириш принциплари амал қилишляпти. Шуниси қўвончлики, болча хил экинлар ҳосилдорлигини сира қамайтирмаган ҳолда помидор ҳосилдорлигини оширишда алоҳида эътибор берияпти. Масалан, дастабки йилнинг терим даврида ҳар гектар ердан пландаги 11 тонна ўрнига 13 тоннадан картошка ҳосил олинляпти. Сабаботкорлар бу йил помидор миқдорини умумий маҳсулот миқдорига нисбатан 50 процентга етказиш,

шаҳар меҳнаткашларини йилнинг турт фаслида ҳам яхшилишган помидори билан таъминлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, агротехника қондалари асосида парварини қилинаётган помидори экинларини турли касалликларга бардошкор бўлиб етляпти, ҳамма майдонларда юқори ҳосил берляпти. Ҳозирча гектаридан олтинган помидори ҳосили 28-30 тоннага ташкил етляпти.

Юқорида хўжаликда юқори ҳосил усталари қўлигини айтдик. Шогирдар ўз усталари изидан бориб, мўл-қўл сабабот маҳсулотлари етиштиришда мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришмоқдалар. Шакар Юсулов, Саттор Усмонов, Хамидилла Саидов, Абдурахмон Нормухамедов, Қодир Валиев бошлик бригадаларнинг аъзолари ҳозирдаки дейрди ўтган бу

# ПАХТАЗОР ХУШҲАБАРЛАРИ

ГУРЛАН. «Коммунизм» колхозининг Гулим Маширипов бошлик бригадаси аъзолари гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштирмиш! Кўйишга номи колхозининг Раҳмон Шайхонаев бошлик бригадаси пахтазорлари шу мақсадга асас тайёрлаш пешнама терини қўйди. Июль ойида яхши парваришланган гўзаларда қосилган ҳосил қўшилляпти. Ой охиригача ҳар тўп гўзада 25-26 та қўсақ етиштириш пахтакорларнинг жонажон ишига айланди.

Р. ҚОБИЛОВ.

МОСКВА. Сеердов номи колхозда 50 центнери пахтакорлар сафи тобора кенгаймоқда. Мирзакон Латипов, Гуломжон Махкам, Кароматхон Бекмурзаева бошлик бригадалар ҳам бу йил эллик центнерлик марраини ағаллаш учун курашмоқдалар. Пахтакорлар август ойини гўза парвариш зарурати оғй деб эълон қилдилар. Сувчилар меҳнаткорлар, кетмончи-чопчилар кунлик графикни ошириб адо этмоқдалар.

Б. ЗОКИРЖОНОВ.

